

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ЎУЗУРДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02.30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

САФИУЛЛИН АЛЕКСАНДР ИОСИФОВИЧ

КАСАЛЛИКНИНГ ТУРЛИ БОСҚИЧЛАРИДА БОЛАЛАР
ВА КАТТАЛАРДАГИ ОИВ ИНФЕКЦИЯСИНИНГ
ИММУН-ФИЗИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сафиуллин Александр Иосифович

Касалликнинг турли босқичларида болалар ва катталардаги ОИВ
инфекциясининг иммун-физиологик жихатлари..... 3

Сафиуллин Александр Иосифович

Иммуно-физиологические аспекты течения ВИЧ-инфекции
у детей и взрослых на разных стадиях заболевания..... 25

Safiullin Aleksandr Iosifovich

Immuno-physiological aspects of the course of HIV infection
in children and adults at different stages of the disease (review)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02.30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

САФИУЛЛИН АЛЕКСАНДР ИОСИФОВИЧ

**КАСАЛЛИКНИНГ ТУРЛИ БОСҚИЧЛАРИДА БОЛАЛАР
ВА КАТТАЛАРДАГИ ОИВ ИНФЕКЦИЯСИНИНГ
ИММУН-ФИЗИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2955 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	Залялиева Марьям Валиахмедовна биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Раҳманқулова Зухра Жандаровна тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Ибадова Гульнора Алиевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74.Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74.Тел./факс: +99871-207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М.Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А.Исмаилова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда ОИВ/ОИТС касаллиги ва унинг оқибатлари муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Касаллик узок кечиши, беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши, оғир оқибатлари ва даволаш харажатларининг юқорилиги билан фарқланади. ОИВ/ОИТС пандемиясига қарши олиб борилаётган кураш чора-тадбирлар мажмуасига қарамасдан касаллик ривожланиб бормоқда. ОИВ/ОИТС бўйича UNAIDS ташкилоти маълумотларига кўра, «...2022 йилда ОИВ билан касалланганлар сони 39,0 миллионни ташкил этган бўлиб, ушбу йилда янги аниқланган ОИВ билан касалланганлар сони 1,3 миллион кишини ташкил этмоқда»¹ Касалликнинг оғир кечиши ва оқибатларининг кўплиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва такомиллаштирилган даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида ОИВ инфекцияси натижасида юзага келадиган асоратлар, жумладан оппортунистик касалликларнинг ривожланиш хавфи, уни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада таъсирланган ОИВ инфекциясининг турли босқичлари этиопатогенезининг хусусиятларини аниқлаш, ОИВ натижасида нейроиммун шикастланиш келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, касаллик турли босқичларида қон зардоби ва сўлакнинг иммунологик кўрсаткичларини аниқлаш, стационар шароитида беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги ва даволаш тадбирларини такомиллаштириш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан ОИВ/ОИТС салбий оқибатлари омилларни аниқлаш, эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, ОИВ инфекцияси ташхислаш, ривожланишига таъсир қилувчи омилларнинг янги жиҳатларини аниқлаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ UNAIDS website (<https://www.unaids.org/ru>)

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ОИВ инфекцияси билан боғлиқ вазият бутун дунё учун глобал муаммодир. Бутун дунёда бўлгани каби, ОИВ инфекцияси билан боғлиқ вазият минтақамиз учун ҳам соғлиқни сақлаш муаммосидир. 2006 йилда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясини антиретровирус терапия билан даволаш бошланиши билан ОИВ билан касалланган беморлар учун ҳаёт сифати ва унинг давомийлиги кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди. Антиретровирус препаратларини қўллаш касалликнинг катта хавф туғдирмай сурункали касаллик даражасига ўтишига, оппортунистик инфекцияларнинг ривожланиш кўрсаткичларининг пасайишига, иммунитет тизимининг инфекцияларни жиловлаш даражасида қолишига олиб келди. Аммо касалликнинг кейинги босқичларида ОИВ инфекцияси аниқланган ёки антиретровирус терапиясини қабул қилишдан бош тортган ёки даволанишнинг самарасизлиги, иммунитет тизимининг сўниши ва оппортунистик инфекцияларнинг кўшилиши билан касалликнинг ривожланишига олиб келган ҳолатлар мавжуд [Леонова О., 2014; ТАСС.РУ, 2021; Нормуратова Г., 2022; ЖССТ, 2023]. Вирусли инфекцияларда патологик ҳолатларнинг ривожланиши организм хужайраларида бир қатор функционал, ультраструктурли ва молекуляр ўзгаришлар билан бирга келади [Бархина Т.Г., 2006].

Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси эпидемиология, диагностика, профилактика, иммунопатогенез ва терапияси билан боғлиқ кўплаб жиҳатлар ўрганилди. ОИВ инфекциясига чалинган беморларда, шу жумладан, гиёҳвандлик воситалари истеъмолчиларида серотипларни табақалаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди, ОИВ инфекциясида ва турли ко-инфекцияларда А, М, G иммуноглобулинлар кўрсаткичлари, шу жумладан кандида замбуруғларига қарши антителалар, герпесвирус инфекцияларида иммунологик кўрсаткичлар ўрганилди. Умумий IgE нинг ОИВ инфекцияси

патогенезида иштироки намоёиш этилди. ОИВ билан касалланган беморларда 7, 8 турдаги ВПГ тарқалганлиги ва барқарорлик омилларининг роли, АРВТга чидамлилигининг молекуляр-генетик омиллари, жамиятнинг демографик ва гендер тузилмасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда ОИВ инфекциясини аниқлашнинг эпидемиологик омиллари ва ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган. Мутахассисларнинг эътиборини ОИВ/ОИТСнинг турли босқичларида антивирус терапияси: сил, вирусли инфекциялар герпеси, хламидиоз, тери-шиллик қаватли шикастланишлар, ОИВ инфекциясига чалинган беморларда, шу жумладан, даволаниш жараёнида ОИВ/ОИТСнинг кенг тарқалиши ва тезлиги жалб этади [Матчанов О.А., 2010; Гиясова Г.М., 2011; Атабеков Н.С., 2014; Ахмеджанов З.И., 2015; Умаров Ж.Ж., 2018; Секлер Д.Е., 2020;]

Диагностикадаги қийинчиликлар ОИВ инфекциясида кўплаб этиологияларга эга бўлган мия шикастланишларида кузатилади: токсоплазмоз, цитомегаловирус инфекцияси (ЦМВИ), прогрессланувчи кўп босқичли лейкоэнцефалопатия, лимфома. Замоनावий адабиётларга кўра, асаб тизимининг шикастланиши ОИВ инфекциясига чалинган беморлар ўртасида касалликнинг жиддий сабабидир. [Трофимова Т.Н., 2010; Доскожаева С.Т., 2013]. ОИВнинг асаб тизимига кириб бориши энцефалопатия, миелопатия ва периферик нейропатияга олиб келади. ОИВ инфекциясида кўплаб неврологик синдромлар, шу жумладан: мия моддасининг атрофияси ва дегенерацияси; ОИТС-демент синдроми; миёча атрофияси; вакуоляр миелопатия; юз нерви фалажи; Гиен-Барре синдроми; оғриқ синдромли сенсорли ва моторли периферик нейропатия. МНТ шикастланишига кўплаб бактериялар, вирусли ва замбуруғ оппортунистик касалликлар сабаб бўлиши мумкин [ЖССТ Европа минтақаси учун клиник протоколлар, 2007]. Микозлар ОИВ инфекциясида энг муҳим иккиламчи касалликлардир. Шулардан энг кўп учрайдиган кандидоздир. Касалликнинг дастлабки босқичларида учрайдиган тери ва шиллик қаватларнинг юза замбуруғли инфекциялари, кейинги босқичларида инвазив кандидоз (диссеминацияланган, генераллашган) ривожланмоқда [Акинфиев И.Б., 2015]. Иккиламчи касалликлар босқичи вирусологик, иммунологик, инструментал, аппарат, шу жумладан КТ, МРТ замоनावий усулларидадан фойдаланган ҳолда кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган диагностикани талаб этади. Сил, генерализациялаган ЦМВИ, лимфопролифератив касалликларга ташхис қўйишда кўпинча қийинчиликлар юзага келади. Бу, қоида тариқасида, беморларда, айниқса иккиламчи касалликлар босқичида турли хил шикастланишлар ва бир нечта маркерли инфекциялар ёки иккиламчи касалликлар ривожланиши билан боғлиқ [Степанова Й.Й., 2010].

ОИВ инфекциясига чалинган одамларда туғма иммунитет бўйича турли тадқиқотларга қарамай, касалликнинг турли босқичларида ОИВ инфекциясига чалинган катталар ва болаларда туғма иммунитетни ўзгариши механизмлари кам ўрганилган бўлиб қолмоқда, бу касалликнинг

ривожланишини ва бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишни прогнозлашда фойдали бўлиши мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-ФЗ-Т091-сонли «ОИВ/ОИТС касаллиги давомийлигини тартибга солиш механизмларида гистомослашувчанлик антигенлари, нейрогормонал ва хулқ-атвор реакцияларининг роли» (2012-2016 йй.) фундаментал ва ФА-Т-004-сонли «Болалар ОИВ/ОИТС касаллигида оппортунистик инфекцияларни ривожлантиришда туғма иммунитет омилларининг роли» (2016-2018 йй.), амалий лойihalари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади касалликнинг турли босқичларида болалар ва катталардаги ОИВ инфекциясининг иммун-физиологик жиҳатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОИВ инфекцияси бўлган беморларни танлаш ва анкета орқали текшириш ҳамда биологик (қон, сўлак) намуналарни йиғиш;

ОИВ инфекциясининг турли босқичларида периферик қондаги нейтрофиллар функционал фаоллигини (НФФ-нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги, Г-ККО -гранулоцит колония-кучайтирувчи омил, ИФ- ишқорий фосфатаза, МПО - миелопероксидаза) аниқлаш;

ОИВ инфекциясининг турли босқичларида қон зардоби ва сўлакнинг иммунологик кўрсаткичлар (IgG, IgA, IgM ва рН) миқдорини аниқлаш;

ОИВ инфекциясининг турли босқичларида беморларда аутоиммун реакциялар (АЮК, ДНК ва бош мия тўқимаси антигенларига) антитаналар даражасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2012-2018 йилларда республика ва шаҳар ОИТСга қарши кураш марказларида рўйхатга олинган 183 нафар ОИВ инфекцияси билан касалланган бемор ва 49 нафар амалий соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бемор ва соғлом шахслар вена қони ва қон зардоби ҳамда сўлаги иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда сўровнома, умумклиник, иммунологик, серологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ОИВ касалликнинг 4-босқичида нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини ва нейтрофиллар ферменти (МПО) миелопероксидаза функционал ҳолати сусайиши сабабли уларнинг бактерицид таъсири муваффақиятсизлигига олиб келиши исботланган;

илк бор ОИВ инфекцияси бир босқичдан иккинчисига ўтиши билан гранулоцит колония-кучайтирувчи омил (Г-ККО) ўсиши сабабли носпецифик иммун жавобнинг кучли стимуляциясига олиб келиши аниқланган;

илк бор сўлакда IgG, IgA, IgM миқдорларининг қон зардобдаги юқори миқдорларига нисбатан пасайиши сабабли ОИВ инфекцияси ривожланишида оғиз бўшлиғи шикастланишига олиб келиши исботланган;

илк бор ОИВ/ОИТС касаллиги ривожланиши билан аутоиммун реакцияларнинг (АЮК, ДНКга антитаналар, бош мия тўқимаси антигенларига антитаналар) ўсиши ва ОИВ инфекциясининг 3 ва 4 босқичларида ДНКга бўлган антитаналар ва бош мия тўқимаси антигенларига антитаналар ўртасидаги юқори даражада ўзаро боғлиқлик аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

ОИВ инфекциясининг турли босқичларида периферик қондаги нейтрофиллар функционал фаоллигини (НФФ, Г-ККО, ИФ, МПО) аниқлаш тавсия этилган;

ОИВ инфекцияси ривожланишида сўлакда ва қон зардоби IgG, IgA, IgM миқдорларини аниқлаш асосланган;

№ IAP 05465 рақамли «Тирик организмларнинг периферик қонида нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини аниқлаш усули» номли ихтирога патенти олинган;

РВҚТ қабул қилган ва қабул қилмаган ОИВ беморлар иммунофизиологик хусусиятларининг тахлили ўз вақтида оппортунистик касалликларни профилактикаси ва даволаш самарадорлигини ошириши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарли эканлиги, умумклиник, серологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касалликнинг турли босқичларида болалар ва катталардаги ОИВ инфекциясининг иммун-физиологик жиҳатларини аниқлаш касалликнинг 4-босқичида нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини ва нейтрофиллар ферменти (МПО) миелопероксидаза функционал ҳолати сусайиши сабабли уларнинг бактерицид таъсири муваффақиятсизлигига олиб келиши исботланганлиги, бир босқичдан иккинчисига ўтиши билан гранулоцит колония-кучайтирувчи омил (Г-ККО) ўсиши сабабли носпецифик иммун жавобнинг кучли стимуляциясига олиб келиши аниқланганлиги, сўлакда IgG, IgA, IgM миқдорларининг қон зардобдаги юқори миқдорларига нисбатан пасайиши сабабли ОИВ инфекцияси ривожланишида оғиз бўшлиғи шикастланишига олиб келиши исботланганлиги ва ОИВ/ОИТС касаллиги ривожланиши билан аутоиммун реакцияларнинг (АЮК, ДНКга антитаналар, бош мия тўқимаси

антигенларига антитаналар) ўсиши ва ОИВ инфекциясининг 3 ва 4 босқичларида ДНКга бўлган антитаналар ва бош мия тўқимаси антигенларига антитаналар ўртасидаги юқори даражада ўзаро боғлиқлик аниқланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ОИВ инфекциясининг турли босқичларида периферик қондаги нейтрофиллар функционал фаоллигини (НФФ, Г-ККО, ИФ, МПО) аниқлаш тавсия этилганлиги, сўлакда ва қон зардобиди IgG, IgA, IgM миқдорларини аниқлаш асосланганлиги, № IAP 05465 рақамли «Тирик организмларнинг периферик қонда нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини аниқлаш усули» номли ихтирога патенти олинганлиги ва РВҚТ қабул қилган ва қабул қилмаган ОИВ беморлар иммунофизиологик хусусиятларининг таҳлили ўз вақтида оппортунистик касалликларни профилактикаси ва даволаш самарадорлигини ошириши асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Касалликнинг турли босқичларида болалар ва катталардаги ОИВ инфекциясининг иммунофизиологик жиҳатларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилиги: илк бор ОИВ касалликнинг 4-босқичида нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини ва нейтрофиллар ферменти (МПО) миелопероксидаза функционал ҳолати сусайиши сабабли уларнинг бактерицид таъсири муваффақиятсизлигига олиб келиши исботланганлиги бўйича «ОИВ инфекциясининг турли босқичларида ОИВ билан яшовчи шахсларда аутоантитаналар» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Илмий кенгашининг 2021-йил 22-февралдаги № 2-сон протоколи билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 27.10.2023 йилдаги 177-н-сонли ва Сурхондарё вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 27.12.2023 йилдаги 91Т-сонли буйруғлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 25-сентябрдаги 06/18-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар катталар ва болаларда ОИВ инфекциясини клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Республика ва Сурхондарё вилояти ОИТСга қарши курашиш марказлари амалий фаолиятларига жорий этилиши ОИВ инфекциясининг турли босқичларида ОИВ билан яшовчи шахсларда аутоантитаналарни аниқлаш усулини қўллаш клиник-иммунологик хусусиятлари аниқлаш, даволаш усулларини такомиллаштириш ва касаллар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон ярататиши асосланган. *Хулоса:* ОИВ касалликнинг 4-босқичида нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини ва нейтрофиллар ферменти (МПО) миелопероксидаза функционал ҳолати

сусайиши уларнинг бактерицид таъсири камайишига олиб келиши асосланган.

иккинчи илмий янгилиги: илк бор ОИВ инфекцияси бир босқичдан иккинчисига ўтиши билан гранулоцит колония-кучайтирувчи омил (Г-ККО) ўсиши сабабли носпециффик иммун жавобнинг кучли стимуляциясига олиб келиши аниқланганлиги бўйича «ОИВ инфекциясининг турли босқичларида ОИВ билан яшовчи шахсларда аутоантитаналар» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Илмий кенгашининг 2021-йил 22-февралдаги № 2-сон протоколи билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 27.10.2023 йилдаги 177-н-сонли ва Сурхондарё вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 27.12.2023 йилдаги 91Т-сонли буйруғлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 25-сентябрдаги 06/18-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар катталар ва болаларда ОИВ инфекциясини клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Республика ва Сурхондарё вилояти ОИТСга қарши курашиш марказлари амалий фаолиятларига жорий этилиши ОИВ инфекциясининг турли босқичларида ОИВ билан яшовчи шахсларда аутоантитаналарни аниқлаш усулини қўллаш клиник-иммунологик хусусиятлари аниқлаш, даволаш усулларини такомиллаштириш ва касаллар хаёт сифатини яхшилашга имкон ярататиши асосланган. *Хулоса:* ОИВ инфекцияси бир босқичдан иккинчисига ўтиши билан Г-ККО ўсиши носпециффик иммун жавобнинг кучли стимуляциясига олиб келиши асосланган.

учинчи илмий янгилиги: илк бор сўлақда IgG, IgA, IgM микдорларининг қон зардобдаги юқори микдорларига нисбатан пасайиши сабабли ОИВ инфекцияси ривожланишида оғиз бўшлиғи шикастланишига олиб келиши исботланганлиги бўйича «ОИВ инфекциясининг турли босқичларида ОИВ билан яшовчи шахсларда аутоантитаналар» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Илмий кенгашининг 2021-йил 22-февралдаги № 2-сон протоколи билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 27.10.2023 йилдаги 177-н-сонли ва Сурхондарё вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 27.12.2023 йилдаги 91Т-сонли буйруғлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 25-сентябрдаги 06/18-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар катталар ва болаларда ОИВ инфекциясини клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Республика ва

Сурхондарё вилояти ОИТСга қарши курашиш марказлари амалий фаолиятларига жорий этилиши ОИВ инфекциясининг турли босқичларида ОИВ билан яшовчи шахсларда аутоантитаналарни аниқлаш усулини қўллаш клиник-иммунологик хусусиятлари аниқлаш, даволаш усулларини такомиллаштириш ва касаллар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон ярататиши асосланган. *Хулоса:* сўлақда IgG, IgA, IgM микдорларининг қон зардобидаги юқори микдорларига нисбатан пасайиши ОИВ инфекциясида оғиз бўшлиғи шикастланишига олиб келиши асосланган.

тўртинчи илмий янгилиги: илк бор ОИВ/ОИТС касаллиги ривожланиши билан аутоиммун реакцияларнинг (АЮК, ДНКга антитаналар, бош мия тўқимаси антигенларига антитаналар) ўсиши ва ОИВ инфекциясининг 3 ва 4 босқичларида ДНКга бўлган антитаналар ва бош мия тўқимаси антигенларига антитаналар ўртасидаги юқори даражада ўзаро боғлиқлик аниқланганлиги бўйича «ОИВ инфекциясининг турли босқичларида ОИВ билан яшовчи шахсларда аутоантитаналар» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Илмий кегашининг 2021-йил 22-февралдаги № 2-сон протоколи билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 27.10.2023 йилдаги 177-н-сонли ва Сурхондарё вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 27.12.2023 йилдаги 91Т-сонли буйруғлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 25-сентябрдаги 06/18-сонли маълумотномаси); *иштимой самарадорлиги:* олинган натижалар катталар ва болаларда ОИВ инфекциясини клиник-иммунологик ташҳислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Республика ва Сурхондарё вилояти ОИТСга қарши курашиш марказлари амалий фаолиятларига жорий этилиши ОИВ инфекциясининг турли босқичларида ОИВ билан яшовчи шахсларда аутоантитаналарни аниқлаш усулини қўллаш клиник-иммунологик хусусиятлари аниқлаш, даволаш усулларини такомиллаштириш ва касаллар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон ярататиши асосланган. *Хулоса:* ОИВ/ОИТС касаллигида аутоиммун реакцияларнинг (АЮК, ДНКга антитаналар, бош мия тўқимаси антигенларига антитаналар) ўсиши ва ОИВ инфекциясининг 3 ва 4 босқичларида ДНКга бўлган антитаналар ва бош мия тўқимаси антигенларига антитаналар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, 3 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1 та ихтирога патент ва 24 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та

мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 4 та компьютер дастурлари кўринишидаги инновациялар, 2 та услубий тавсиялар.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, туртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 96 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланади, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги таъминланганлиги, илмий янгилик ва амалий натижалар баён этилди, тадқиқот олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб беради, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумот беради

Диссертациянинг «**ОИВ/ОИТС касаллигининг иммунофизиологик жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида ОИВ/ОИТС касаллиги бўйича замонавий адабиётлар таҳлили келтирилган, иммунофизиологик ҳолатларини муаммолари, аутоиммун реакцияларини ОИВ касаллигини ривожланишида тутган ўрни ва туғма иммунитетга бағишланган. Ўтказилган таҳлил тақдим этилган ишнинг долзарблигини исботлаб берди.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи кўлланилган адқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида республика ва шаҳар ОИТСга қарши кураш марказларида рўйхатда 2010-2016 йил давомида турган 183 нафар ОИВ билан касалланган беморларнинг умумий тавсифи берилган. ОИВ касаллиги ташҳиси иммунофермент таҳлил (ИФТ), иммуноблот, ПЗР лаборатор усуллари ёрдамида кўйилди. СД4 ва СД95 лимфоцитлар тадқиқотлари Республика ОИТС билан курашиш марказининг лабораториясида оқимли спектрофлюориметрида (лаборатория раҳбари Исаева Г.Н., директор т.ф.д., профессор Атабеков Н.С.) ўтказилди.

1 мл бемор қонидаги вируснинг РНК нусхалари сони (вирусли юклама) реал вақтда ПЗР ускуналари ёрдамида Республика ОИТСни назорат қилиш марказида полимераза занжири реакцияси (ПЗР) Real Time ускуна ёрдамида аниқланди. Тирик организмларнинг периферик қонида нейтрофилларнинг фагоцитик фаоллиги (НФФ) иммунофермент таҳлили (ИФТ) ёрдамида ярим автоматик режимда аниқланди. Ишқорий фосфатаза тижорат тест- тўплами (Human, Germany) ёрдамида тадқиқ қилинди. Сўлакни рН кўрсаткичи физик усул билан рН- метрда («Эксперт рН», РФ) аниқланди.

Қон зардобидаги гранулоцит-колония кучайтирувчи омили (Г-ККО) ИФТ усули билан «Вектор-Бест» (РФ) фирмаси тест тўплами ёрдамида аниқлашлик амалга оширилди. Аутоантитаналар суспензиясини оптик зичлигини пасайиши билан ўлчанди. Айланувчи иммункомплексларни (АИК) аниқлаш полиэтиленгликолда дифференциал преципитацияси усули

(Меншиков В.В., 1987) ёрдамида бажарилди. ДНКга бўлган антитаналарни аниқлаш учун ИФТ таҳлили ердамида реагент ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига кўра IgG қарши конъюгацияланган антитаналар (РФ «Вектор-Бест» фирмаси,) ишлатилган. Мия тўқимаси антигенларига бўлган аутоантитаналар Фриммелнинг мунтазам тўғридан-тўғри гемагглютинация реакцияси (ТТГР) усули билан аниқланди. IgA, M, G ларни аниқлаш учун (Манчини, 1965) иммунологик усул ишлатилган. Статистик ишлов бериш РС IBM компютерида амалий дастурий таъминот пакетлари ёрдамида амалга оширилди [MS Excel, 2013; Statistica 12.0].

Умумий 183 текширилган беморлар касалликнинг босқичига боғлиқ ҳолда гуруҳларга бўлинган (ОИВ инфекциясининг 4 босқичи ва ёши бўйича: кичик мактаб ёшдаги болалар ва 22 ёшдан 56 ешгача катталар). 94 нафар (51,4%) катталардан 46 нафар (25,1%) эркаклар, 48 нафар (26,2%) – аёллар; 89 (48,6%) болалардан 54 (29,5%) ўғил болалар ва 35 (19,1%) – қизлар, барча беморлар касалликни турли босқичида ва оппортунистик инфекциялари бор бўлган. Контрол гуруҳни 49 нафар деярли соғлом ва мос ешдаги ва жинсга мансуб шахс (18 нафар – аёл, 11 – эркак, 10 - қиз бола, 10 – ўғил болалар) ташкил этди. Катта ешдаги беморларнинг ёши 22-48 ёш, ўрта еши $40,2 \pm 1,65$ ешни ташкил этди. Бемор болаларнинг еши 7-14 гача эди, ўрта еши $11 \pm 3,9$ тенг бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Ёш ва РВҚТни қабул қилиш бўйича тақсимлаши

Ёши/РВҚТда ёки сиз	Беморлар сони	Ёш
РВҚТда катталар	64	22-48
РВҚТсиз катталар	30	22-48
РВҚТда болалар	68	7-14
РВҚТсиз болалар	21	7-14


1-расм.

Катталардаги касалликнинг турли босқичларида РВҚТда ва РВҚТсиз ОИВ клиник кўринишлари нисбий кўрсаткичлари




Катталар ва болалар ўртасидаги орган касалликларининг таҳлили 1 ва 2-расмларда келтирилган.

2-расм.
Болаларда касалликнинг турли босқичларида РВҚТда ва РВҚТсиз ОИВ клиник кўринишларининг нисбий кўрсаткичлари



ОИВ инфекциясининг намоён бўлишида оғиз бўшлиғининг шикастланиши муҳим ўрин тутади (3-расм).

3- расм.
ОИВ инфекциясида оғиз бўшлиғининг %



Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, РВҚТни қабул қилмайдиган катталардаги ОИВ билан яшовчиларда, оппортунистик инфекциялар ва бирга келадиган касалликлар ўртача 2,3 марта кўпроқ кузатилган. Истиснолар сурункали гепатит ва анемия каби касалликлар бўлиб, улар деярли бир хил диапазонда қайд этилган. Оппортунистик инфекциялар РВҚТсиз ОИВ билан касалланганларда анча кенг тарқалган. Шундай қилиб, РВҚТ бўлмаган катталардаги лимфаденопатия РВҚТ олинганда бўйича гуруҳга қараганда 1,1 марта тез-тез кузатилган.

РВҚТ сиз гуруҳда нафас олиш тизимининг шикастланиши - 1,4 марта, тери ва шиллиқ пардаларнинг шикастланиши - 1,6 марта, марказий асаб тизимининг шикастланиши - 1,9 марта кўпроқ. Кўпинча катталарда

касалликнинг 3 ва 4 босқичларида тери ва шиллик пардаларнинг шикастланиши РВҚТни қабул қилмайдиган гуруҳда кузатилган (87,9%). РВҚТни қабул қилмаган ОИВ инфекцияси бўлган болаларда оппортунистик инфекцияларнинг ривожланиш даражаси ўртача 1,1 барабар юқори эди. Катталардаги каби, болаларда ҳам анемия антиретровирус даволашни қабул қиладиган ва қабул қилмайдиган болалар гуруҳларида тенг равишда кузатилди.

РВҚТ бўлмаган болаларда лимфаденопатия РВҚТ қабул қилган бўйича гуруҳга қараганда 1,6 марта тез-тез кузатилган. РВҚТсиз гуруҳда нафас олиш тизимининг шикастланиши - 1,8 марта, тери ва шиллик пардаларнинг шикастланиши - 1,6, марказий асаб тизимининг шикастланиши - 1,6 марта кўпроқ. Кўпинча касалликнинг 3 ва 4 босқичларида ОИВ инфекцияси бўлган болаларда РВҚТни қабул қилмайдиган гуруҳда тери ва шиллик пардаларнинг шикастланиши кузатилган (90,9%). РВҚТни қабул қилмаган ҳар бир катта ёшли ОИВ инфекцияси учун ўртача 8 та қўшма касаллик мавжуд бўлса, РВҚТ олган ҳар бир ОИВ инфекцияси учун бу кўрсаткич 2,7% ни ташкил етди. РВҚТни қабул қилмайдиган ОИВ инфекцияси билан касалланган ҳар бир бола учун ўртача 14,1% бирга келадиган касалликлар, РВҚТ олган ОИВ инфекцияси билан касалланган бола учун эса бу кўрсаткич 2,8% ни ташкил етди. Касалликларнинг тарқалиши ва частотаси адабиёт маълумотларига тўғри келди [Покровский В.В., 2020, Кулабухова Е.И. ҳаммуаллифлар билан. 2020].

Шундай қилиб, РВҚТни қабул қилмаган катталар ОИВ инфекцияси билан касалланиш эҳтимоли 2,9 барабар, ОИВ инфекцияси бўлган болалар эса оппортунистик инфекциялар келтириб чиқарадиган касалликлардан азият чекиш эҳтимоли 2,8 барабар кўпроқ бўлган.

Диссертациянинг «**Туғма иммунитетнинг иммунофизиологик кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи бобида нейтрофилларнинг фагоцитик фаоллигини ўрганиш натижаси, миелопероксидаза, ишқорий фосфатаза, гранулоцитлар колониястимуловчи омил даражасининг ўзгариши ОИВ/ОИТСнинг турли босқичларида қон зардоби ва тупукдаги иммуноглобулинлар даражасининг ўзгариши кўрсатилган. ОИВ/ОИТС касаллиги бўйича олиб борилган тадқиқотларимизга кўра, ОИВ/ОИТС касалликларининг турли босқичларида моноцитлар миқдорини сезиларли фарқлар аниқланмаган.

Маълумки, ОИВ инфекциясини клиник кечиши кўринишининг ривожланиши СД4 хужайраларининг камайиши билан белгиланади. РВҚТ вирусли юкнинг пасайишига ва периферик қонда СД4 хужайралари сонининг кўпайишига олиб келади, ва ОБЯШнинг ҳаёт сифатини оширади. Шунга қарамай, АРВ терапия фониди ҳам оппортунистик касалликлар кечади, уларнинг ривожланиши туғма иммунитет омилларига боғлиқ. Биз касалликнинг турли босқичларида ОБЯШларда нейтрофилларнинг фагоцитик ва функционал фаоллигини ўргандик.

Тананинг хужайрадан ташки бактерияларга қарши асосий химоячиси бу нейтрофиллардир, улар хемотаксис ва фагоцитозга қодир қисқа муддатли яшовчи хужайралардир. Ўртача нейтрофилларнинг фагоцитик фаоллиги (НФФ) ОИВ/ОИТСнинг барча босқичларида назорат гуруҳининг қийматлари остида аниқланди: асимптоматик босқичда сезиларсиз ва кейинги барча босқичларда сезиларли даражада. ОИТС босқичида НФФ деярли икки баравар камайди ($p < 0,001$). Асимптоматик босқичда фагоцитозни индивидуал қийматлари кенг доирада кузатилди – 32,0 дан 78,4% гача, ОИТСнинг 4чи клиник босқичида эса 11,6 -52% гача бўлган. Шунинг таъкидлаш керакки, НФФ 1, 2 ва 3 клиник босқичларда инсон иммунитет танқислиги вирусининг ингибирлаш таъсирига камроқ сезгир бўлиб қолади ва фақат 4чи босқичда, яъни ОИТС босқичида, нейтрофиллар фаоллиги кескин пасаяди.

Шундай қилиб, ОИВ инфекциясида, касалликни ривожланиб бориши билан, адаптив специфик иммун жавоблик хусусияти тугаганда, неспецифик химоя омиллари организмни оппортунистик инфекциялардан химоя қилишда давом этади. Тахмин қилиб айтиш мумкинки, касалликнинг охириги босқичларида ОИВ инфекциясининг давомийлиги туғма иммунитетнинг фаоллашишига боғлиқ. Нейтрофиллар фаоллаштирувчи омилларига энг ҳаракатчан хужайралар сифатида юқори сезгирлик билан ажралиб турадилар, улар биринчи бўлиб яллиғланиш жараёнида иштирок этади ва яллиғланишни қўзғатувчилари ва эрта химоя реакцияларини келтириб чиқаради. Нейтрофилларнинг тезкор сафарбарлиги уларнинг метаболик жараёнларни бир неча дақиқада ривожлантириш қобилияти туфайли юзага келади, бу кислород портлашига ва бактерицид моддалар, шу жумладан МПО ва ишқорий фосфатазанинг ишлаб чиқарилишига олиб келади.

МПО нафақат нейтрофилларнинг антимиқробик салоҳиятининг асоси, балки яллиғланиш ўчоқларида организмнинг ўз тўқималарига зарар етказиши ва оппортунистик патогенларга қарши оксидловчи жавобнинг кейинги ривожланишига олиб келиши мумкин. ОИВ касаллигининг 2-босқичидаги болаларда спонтан МПО фаоллиги ўртача $1,9 \pm 0,03$ оптик зичлик бирликни (ОЗ) ташкил этди, ва бу назорат гуруҳи параметрларидан сезиларли даражада ошди ($1,49 \pm 0,02$, $p < 0,001$). 3-босқичда, ОИВ инфекцияси ривожланиб бориши билан МПО нинг пасайиши аниқланди ва индивидуал қийматлар оралиғи 1,59 дан 1,735 гача ОЗ тенг бўлди ($p < 0,05$). ОИВ/ОИТС касаллигининг 4-босқичида ўртача МПО даражаси $0,55 \pm 0,02$ ОЗни ташкил этди, бу эса назорат гуруҳи кўрсаткичидан сезиларли даражада фарқланган ($p < 0,001$), ҳамда касалликнинг 2 ва 3 босқичларидаги параметрларидан ҳам фарқ қилди.

Шундай қилиб, болаларда ОИВ инфекциясининг 2 ва 3 босқичлари яллиғланиш жараёнларининг интенсивлигининг белгиси бўлиб хизмат қиладиган оппортунистик инфекцияларга жавобан спонтан МПО фаоллигининг ошиши билан тавсифланади. 4-босқичда МПО фаоллигининг пасайиши организмнинг инфекцияга чидамлилигининг пасайиши,

нейтрофилларнинг функционал фаоллигининг пасайиши билан бирга келади ва патологик жараённинг етакчи омилларидан биридир.

ОИВ билан касалланган катта ёшли беморларда ишқорий фосфатазанинг юқори фаоллиги аниқланди, бу назорат гуруҳидан сезиларли даражада ошди ($p < 0,01$). Асимптоматик босқичда ишқорий фосфатаза фаоллиги ўртача 1290 ± 70 Ед/л, индивидуал қийматларнинг кенглиги 1074 дан 1544 Ед/л- гача бўлган, 2чи босқичда - 1232 ± 61 Ед/л (1034 дан 2137 гача), 3чи босқичда – 1392 ± 40 Ед/л (1047 дан 2233 гача), ОИТС босқичида эса - 1382 ± 43 Ед/л (1017 дан 2233 гача).

Касалликнинг ривожланиши билан биз ишқорий фосфатаза фаоллигида сезиларли фарқларни топмадик, аммо касалликнинг 3 ва 4 босқичларида ишқорий фосфатаза фаоллигини ошгани диққатга сазовордир. Шунда, касалликнинг 4чи клиник босқичида беморларнинг 30% ишқорий фосфатазанинг юқори даражаси қайд этилган. Ушбу беморларда 6 дан 11 гача оппортунистик инфекциялар ва бирга келадиган касалликларнинг комбинацияси кузатилди. ОИВ билан касалланган асимптоматик босқичидаги болаларда ишқорий фосфатаза даражаси назорат гуруҳи қийматлари доирасида эди ($p > 0,05$). 2чи клиник босқичда ишқорий фосфатаза даражаси назорат гуруҳи қийматларидан ошмади ($p > 0,05$).

ОИВ/ОИТСнинг 3чи босқичида ишқорий фосфатазани миқдори назорат қийматларига кўра сезиларли даражада ($p < 0,001$) ошди, бу эса клиник кўринишлар билан намоён бўлди - қизилўнгач, бронхлар, трахея, ва ўпка кандидози, бактериал стоматитлар, сурункали қайталанувчи юқори нафас йўллариининг инфекцияси, сил ёки атипик микобактериоз (тарқалган ёки висцерал), оғир бактериал инфекциялар, шунингдек, тушунарсиз вазн йўқотиш - 10% дан ортиқ.

Касалликнинг 4чи босқичи, катта беморлардек, ишқорий фосфатазани миқдори юқорилиги билан намоён эди. ОИВ/ОИТС касаллигига хос кўринишларидан оғиз бўшлиғи, қизилўнгач ва юқори нафас йўллариининг кандидози, бактериал стоматитлар, синуситлар, юқори нафас йўллариининг сурункали қайталанувчи инфекцияси, ЦМВ, пневмоцист пневмонияси, лимфа тугунларининг сил касаллиги, ОИВ кахексияси қайд этилди.

Касалликнинг симптомсиз босқичида СД4 лимфоцитларининг миқдори ва ишқорий фосфатазани фаоллиги ўртасида ўзаро боғлиқлик топилмади. Касалликнинг 2 босқичида улар ўртасида кучсиз тескари корреляция мавжуд бўлди ($r = -0,37$). 3чи босқичда боғлиқлик йўқолди, аммо касалликнинг 4 босқичида у кучсиз мусбат боғлиқликга ўзгарди ($r = +0,22$). Ушбу натижалар касалликнинг симптомсиз босқичида туғма ва мослашувчан иммунитетнинг механизмлари мустақиллигини кўрсатади. Касалликнинг 2 клиник босқичида СД4 лимфоцитлари сонининг камайиши ва ишқорий фосфатаза фаоллигининг ошиши туфайли специфик ва носпецифик иммун жавоб ўртасида СД4 лимфоцитлари сони камайиши ва ишқорий фосфатаза фаоллигини ошиши сабабли кучсиз тескари боғлиқлик мавжуд эди. СД4 лимфоцитлари сони камайиши ва оппортунистик инфекциялар қайталаниши

билан бу алоқалар бузилади. Касалликнинг 4чи босқичида ишқорий фосфатазанинг фаоллаши давом этди ҳамда специфик ва туғма иммунитет ўртасидаги боғлиқлик кучсиз ижобийга ўзгарди .

Шундай қилиб, қон зардобидаги ишқорий фосфатазанинг фаоллиги ОИВ/ОИТС инфекциянинг турли босқичларида нейтрофилларнинг фагоцитик функцияларини акс эттиради. Ишқорий фосфатаза фаоллиги ва СД4 лимфоцитларининг мутлақ кўрсаткичи ўртасидаги боғлиқлик туғма ва специфик иммун жавобнинг ҳам ҳамкорлигини ҳамда унинг бузилишини кўрсатади, бу эса метаболик жараёнларнинг нотўғри мослашувиға олиб келади.

ОИВ билан касалланган катта ешли беморларнинг периферик қонида СД4+ Т ёрдамчи лимфоцитлар ва гранулоцитар КСФ (Г-КСФ) миқдори ва касалликнинг турли босқичиға қараб уларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси ўрганилди. ОИВ инфекциясининг турли босқичларида беморларда ўтказилган Г-КСФни ўрганиш унинг индивидуал қийматларини кенг доирасини аниқлади 8 дан 360 пг/мл гача. Шуниси қизиқки, касалликнинг 1, 2 ва 3 босқичларида Г-КСФ кўрсаткичлари бир хил чегаралар ичида аниқланган, аммо деярли соғлом одамларникидан қийматлари сезиларли даражада юқори эди ($p < 0,01$). Г-КСФ даражасининг бундай фаоллашиши ўзига носпецифик иммун жавобнинг жуда кучли стимуляциясини кўрсатади.

Касалликнинг терминал босқичида КСФ даражаси энг юқори бўлди ва ўртача ҳисоби $296,5 \pm 29,2$ пг/мл, индивидуал қийматлар кенглиги 222 дан 360 пг/мл гача бўлган. Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, касалликнинг терминал босқичида ОИТСға қарши курашда носпецифик ҳимоя омиллари, шу жумладан Г-КСФ асосий аҳамиятға эға.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ОИВ инфекциясини асимптоматик босқичдан бошлаб Г-КСФ нинг 20 баравар кўпайиши кузатилади ва бу ҳолат барча босқичларида давом этади. Касалликнинг терминал босқичида Г-КСФ ўсиши ҳақиқатан қизиқ факт. Ушбу натижалар колониястимулловчи омиллар касалликнинг ушбу босқичида инфекцияға қарши иммунитетнинг асосий омиллари эканлигиға далил бўлиши мумкин.

Касалликнинг 3 ва 4 босқичлари бўлган барча касал болаларда оғиз бўшлиғи шикастланиши қайд этилган. Назорат гуруҳи тадқиқот вақтида худди шу ёшдаги деярли 12 соғлом болалардан иборат эди. Шиллиқ қаватнинг асосий шикастланиши оғиз бўшлиғининг кандидози эди. Касалликнинг 3-босқичида қон зардобида IgG миқдори ўртача 1503 ± 119 мг%, IgA— 250 ± 29 мг%, IgM— 200 ± 30 мг%ни ташкил этди. ОИВ инфекциясининг 4чи босқичида бўлган беморларда IgG концентрацияси ўртача ҳисоби 1449 ± 171 мг%, IgA — 265 ± 16 мг% ва IgM— 184 ± 41 мг% бўлган.

3 чи босқичдаги беморларнинг сўлагида IgG кўрсаткичи ўрта ҳисобда $20,75 \pm 2,04$ мг% ни ташкил этди, IgA— $6,3 \pm 0,62$ мг%, IgM— $0,595 \pm 0,27$ мг%; 4 босқичда эса ўртача IgG $16,9 \pm 0,07$ мг%ға, IgA— $5,97 \pm 1,52$ мг%ға, IgM — $0,89 \pm 0,42$ мг% га тенг бўлди. Олинган натижалар кўрсатишича, ОИВ инфекцияси 3-босқичдан тўртинчи босқичға ўтиши билан қон зардобидаги

